



PROCESSES OF FORMING THE SOCIO-ECONOMIC INFRASTRUCTURE OF THE CITY OF BUKHARA IN THE CONTEXT OF THE BUKHARAN PEOPLE'S SOVIET REPUBLIC (BPSR)

Nafisa Zakirovna Hayotova

Associate Professor

Bukhara State University

n.hayotova@mail.ru

Bukhara, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Soviet ideology, planned construction, healthcare, social infrastructure, waqf (Islamic endowment), factory, standardization, socialist construction, modernization.

Received: 22.02.26

Accepted: 23.02.26

Published: 24.02.26

Abstract: This article examines the formation of modern urban infrastructure during the period of the Bukhara People's Soviet Republic (BPSR) and analyzes its theoretical and practical foundations. It explores the influence of Soviet ideology, planned construction, regional zoning, and the initial legal-regulatory frameworks in the development of urban infrastructure during the BPSR. Furthermore, the article highlights the implementation of urban infrastructure through sectoral examples, including the social sphere (education, healthcare, culture), the economic sector (industry, transportation, communications), and the communal sector (water, gas, and electricity supply).

БХСР КОНТЕКСТИДА БУХОРО ШАҲРИНИНГ ИЖТИМОЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИ

Нафиса Закировна Ҳайтова

Бухоро давлат университети доценти

n.hayotova@mail.ru

Бухоро, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: совет мафкураси, режали қурилиш, соғлиқни сақлаш, ижтимоий инфратузилма, вақф, фабрика,

Аннотация: Ушбу мақолада Бухоро Халқ Совет республикаси (БХСР) даврида замонавий шаҳар инфратузилмасини шакллантириш жараёни ва унинг назарий-

стандартлаштириш, социалистик курилиш, модернизация.

амалий асослари ўрганилади. Мақолада БХСРда шаҳар инфратузилмасини ривожлантиришда совет мафкуриси, режали курилиш, туманлаштириш ва соҳага оид илк норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг аҳамияти кўриб чиқилади. Шунингдек мақолада шаҳар инфратузилмасининг ижтимоий (таълим, соғлиқни сақлаш, маданият), иқтисодий (саноат, транспорт, алоқа), коммунал (сув, газ. Электр таъминоти) соҳалар мисолида амалиётлар ёритилади.

ПРОЦЕССЫ ФОРМИРОВАНИЯ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ИНФРАСТРУКТУРЫ ГОРОДА БУХАРЫ В КОНТЕКСТЕ БНСР

Нафиса Закировна Хайтова

Доцент Бухарского государственного университета

n.hayotova@mail.ru

Бухара, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: советская идеология, плановое строительство, здравоохранение, социальная инфраструктура, вакф, фабрика, стандартизация, социалистическое строительство, модернизация.

Аннотация: В данной статье рассматривается процесс формирования современной городской инфраструктуры в период Бухарской Народной Советской Республики (БНСР) и анализируются его теоретико-практические основы. В статье исследуется значение советской идеологии, планового строительства, районирования, а также первых нормативно-правовых документов в развитии городской инфраструктуры БНСР. Кроме того, в работе освещается практическая реализация городской инфраструктуры на примере социальной сферы (образование, здравоохранение, культура), экономической сферы (промышленность, транспорт, связь), а также коммунального хозяйства (вода, газо и электроснабжение).

Кириш. Россия томонидан Бухоро амирлигини истило қилиниши натижасида мамлакатдаги аҳвол тубдан ўзгариб, давлат мустақиллиги йўқотилди, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мураккаб ўзгаришлар содир бўлди. Рус империяси ўлкани арзон хом-ашё манбаи ва рус саноат товарлари сотиладиган қулай бозорга айлантиришга ҳаракат қилди.

XX аср боши Бухоро амирлиги ижтимоий-иқтисодий ва шаҳар муҳитида сезиларли трансформация жараёнларини бошдан кечирди. Бу даврда ҳудуддаги иқтисодий муносабатлар, шаҳар инфратузилмаси ва аҳолининг турмуш тарзида тубдан ўзгаришлар содир бўлди. Октябрь тўнтаришидан сўнг Туркистонда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши, амирлик пойтахти – Бухоро шаҳрининг бундан кейинги тақдирига ҳам жуда катта таъсир кўрсатди. Сиёсий жараёнлар қадимги шаҳарни яна бир бор ўз гирдобига тортди. Большевиклар ҳокимиятининг хусусий мулкчиликни йўқотиш, иқтисодий бошқарувни тўлиқ марказлаштириш ва барча соҳаларда давлат мулкчилигини устувор қилишга қаратилган сиёсати иқтисодий инқироз ва аҳолининг турмуш даражасининг ёмонлашувига олиб келди. Маъмурий-буйруқбозлик асосида олиб борилган ёндашув иқтисодий барқарорликни таъминлаш ўрнига очарчилик ва вайронагарчиликни кучайтирди.

Асосий қисм. 1920 йил сентябрда қизил армия томонидан Бухоро шаҳри эгаллангандан сўнг, ҳокимият Муваққат Бутун Бухоро Инқилобий Қўмитаси қўлига ўтди. Бухоро Халқ Совет Республикаси тузилганлигининг эълон қилиниши, Бухоронинг тарих зарварақаларида янги бир даврни бошлаб берди. Мустақил сиёсат юритишга ҳаракат қилаётган ёш Бухоро давлати ўзи истамаган ҳолда советлар сиёсати таъсирига тортила бошланди. Ҳудудда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳамда маданий соҳаларда кенг миқёсли ўзгаришлар бошланди. Бундай ўзгаришлар шаҳарсозлик соҳасини ҳам четлаб ўтмади. Зеро Бухоро амирлиги Чор Россиянинг вассалига айланган вақтидан бошлаб Рус империяси олиб борган сиёсат шаҳарсозлик инфратузилмасига янги ўзига хос иншоотларнинг қурилиши билан таъсир этган эди. Хусусан, Бухоро шаҳрининг марказий қисми ва жанубий–ғарбий томонида европа типидagi бир қаватли ва икки қаватли бинолар барпо этилди. Шунингдек, шаҳар ва бошқа ҳудудлар ўртасида алоқа ўрнатиш мақсадида Каттакўрғондан Бухорога телеграф сими тортилди, Амударё бўйидаги темир йўл линияси учун темир кўприк қурилди [1;323]. Бу даврда икки қаватли Жўрабек карвонсаройи, Гавкушон гузаридаги иншоотлар, Шохруд канали устидаги рус-хитой банки, темир йўл вокзали каби европа типидagi бинолар қурилди. Бундан ташқари амирнинг янги саройи, шифохона, дорихона, рус-тузем мактаблари каби ижтимоий аҳамиятга эга бўлган иншоотларнинг барпо этилиши шаҳарнинг меъморий қиёфасини сезиларли даражада ўзгартирди. Ушбу иншоотлар қурилишида меъморчиликда миллий ва европача услублар уйғунлашганлиги кузатилди.

Янги ташкил қилинган республикада Бухоро ҳудуди янги маъмурий тизимга ўтказилди. Амирлик ағдалирилишигача Бухоро ҳудуди 27 та бекликка бўлинган бўлса, республика ташкил этилгандан сўнг ҳудуд 10 та вилоят, 41 та туман ва 132 та кентларга

бўлинди [2;7]. Янги маъмурий-худудий тизимнинг жорий қилиш орқали худудни бошқаришни яхшилаш, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш мақсади кўзланди. Собиқ бекликлар ва амлоклар асосида туман ва кентларни ташкил этиш бошқарувни қулайлаштириш учун амалга оширилди. Бироқ бу жараёнда камчиликлар ҳам кўзга ташланди, жумладан аҳолининг янги маъмурий-бўлинишга мослаша олмаслиги, туман ва кентларнинг чегараларнинг тез-тез ўзгариши ва марказий ҳокимиятнинг худудлардан узоқлашганлиги маъмурий ислохотнинг самарадорлигини пасайтирган. Куйида БХСРда ташкил қилинган вилоятлар номи кўрсатилган[3;66].

№	1920 йил бекликлар	1924 йил вилоятлар
1	Бойсун	Бойсун
2	Қарши	Бехбудий
3	Эски Бухоро, Қоракўл тумани	Бухоро
4	Дарвоз. Қоратегин	Ғарм
5	Ғузор	Ғузор
6	Жанубий Ғузор	Душанбе
7	Керки	Керки
8	Боғи калон, Зиёвуддин, Кармана, Хатирчи	Кармана
9	Балжувон, Кўлоб	Кўлоб
10	Қабодиён, Қорғонтепа	Қўрғонтепа
11	Нурота	Нурота
12	Денов, Сари-жўй, ғарбий Ғузор	Сариосиё
13	Бурдалиқ, Устюрт, Чоржўй	Чоржўй
14	Китоб, Чироқчи, Шаҳрисабз, Яккабоғ	Шаҳрисабз
15	Калиф, Шеробод	Широбод

Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) майдони 182193 км²ни ташкил этган бўлиб, у ўша даврда Ўрта Осиёдаги энг катта маъмурий бирликлардан бири ҳисобланган. 1924 йил бошига келиб, БХСР аҳолиси 1.531.051 нафарни ташкил этган [3;66]. Аҳолининг асосий қисми қишлоқ худудларида яшаган бўлиб, шаҳар аҳолисининг сони анча кам бўлган. Бу ҳолат шаҳарсозлик ва саноатлаштириш жараёнининг дастлабки босқичда эканлигини кўрсатади.

Шаҳарсозлик инфратузилмасини қайта кўриб чиқиш ҳамда назарий асосларини ишлаб чиқиш масаласи, ёш БХСР ҳукумати учун муҳим стратегик вазифалардан бири эди. Бу жараён нафақат Бухоро шаҳри инфратузилмасини ўзгартиришни, балки аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш мақсадида амалга оширилди. Шунингдек, янги иқтисодий муносабатлар ва маъмурий

тизимнинг шаклланиши шаҳар инфратузилмасини ривожлантиришга илк қадамлардан бўлди. Ташқи таъсирлар ва ички талаблар асосида Бухорода шаҳарсозлик соҳасида амалий ёндашувлар ишлаб чиқилди. Янги ҳукумат саноатни ривожлантириш, транспорт инфратузилмасини тиклаш ва аҳоли учун қулай ижтимоий инфратузилма яратиш борасида ишлар олиб борди.

Ф.Хўжаев раҳбарлигидаги ҳукумат вайрон бўлган шаҳарни қайта тиклашга киришиб, ҳудудда амалий ҳаракатлар бошлаб юборди. Янги ҳукумат дастлабки иқтисодий сиёсат ва хўжалик соҳасидаги ўзгаришларни олиб борар экан, Совет ҳукумати томонидан янги кўрсатмалар кела бошлади. БХСРда совет ҳокимияти мафкурасини ҳисобга олган ҳолда шаҳар муҳитини қайта ташкил этиш ишлари олиб борилди. Ушбу ҳаракатлар қуйидаги вазафаларни ўз ичига олди:

1. Саноат ва инфратузилма қурилиши: ҳудудни саноатлаштириш мақсадида шаҳарларда янги корхоналар ва инфратузилма объектларини яратиш;
2. Турар-жой қурилиши: ишчилар синфи учун янги уй-жойлар қуриш ва шаҳар аҳоли пунктларини янги турмуш даражасига ўтказиш;
3. Таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш: аҳолига етарли даражада хизмат кўрсатиш учун янги таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини қуриш;
4. Шаҳарсозлик: Совет шаҳарсозлик мактаби тамойилларини жорий этган ҳолда янги шаҳар режаларини ишлаб чиқиш, шу жумладан марказий майдонлар, боғлар ва ижтимоий объектларни яратиш;
5. Транспорт инфратузилмаси: транспорт тизимини ривожлантириш, шу жумладан йўллар, кўприklar ва бошқа объектларни қуриш.

Бухоро шаҳри тез муддатда совет, партия, жамоат ва хўжалик ташкилотлари жамланган, республиканинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида, унинг иқтисодиёти ва маданиятини ривожлантиришга раҳбарлик қилувчи энг муҳим сиёсий ва маъмурий марказга айланди. Халқ Нозирлиги томонидан ишлаб чиқариш ва савдо ишлари фаолияти тикланиб, амир ва маҳаллий бойларга қарашли бўлган пахта тозалаш, ёғ ишлаб чиқариш, териға ишлов бериш каби заводлар миллийлаштирилди[4;213]. Шунинг айтиш жоизки, 1920 йил октябрь-ноябрь ойларида Совет ҳукумати ва Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) ўртасида ҳарбий-сиёсий аҳдлашув ва шартнома имзоланади. Ушбу шартноманинг 2-моддасига кўра, завод ва фабрикалар барча асбоб-ускуналари билан БХСРнинг хусусий мулки деб эълон қилинган. Бироқ почта, телеграф ва темир йўллари каби стратегик аҳамиятга эга инфратузилмалар мазкур модда доирасига киритилмаган. Ушбу масалалар “умумиттифок

муҳокамаси”да ҳал қилиниши лозим деб белгиланган [5]. Бундан кўриш мумкинки, Совет ҳукуматининг БХСРнинг иқтисодий ва инфратузилмавий мустақиллигини чеклашга ҳаракати бўлган. Бундай ёндашув ҳудуднинг стратегик ресурслари ва алоқа воситаларини марказлашган тарзда назорат қилишни таъминлаган. Шунингдек, БХСРнинг сиёсий ва иқтисодий фаолияти устидан билвосита таъсир ўтказиш имконини берган.

Бухоро ҳукумати дастлаб энг асосий муаммоларидан бири ер-сув масаласини ҳал қилишга киришди. 1920 йил 30 декабрда “Ер тўғрисидаги декрет”ни қабул қилиниши асосида амир, унинг қариндошлари ва амалдорларга тегишли ер, мол-мулк камбағалларга ва ерсиз деҳқонларга қисман бўлиб берилди. Маълумки, амирликнинг иқтисодий ҳаётида вақф ерларнинг улуши катта бўлган. Бухородаги вақф мулклар икки туркумга бўлинган. Булар диний вақфлар - масжид, мазор, мақбара, ҳонақоҳ, қорихона, ҳожихоналар қабилар бўлиб, улардан келадиган даромад диний ташкилотлар ва уларнинг хизматчиларига сарфланган. Иккинчи туркумга маданий-маърифий вақф мулклари бўлиб, улардан келадиган даромад орқали мадрасалар, мактаблар, касалхоналар, етимхоналар таъмирланган ҳамда БХСРда янги ташкил қилинган халқ маорифи таъминоти учун ишлатилган [6; 131].

БХСРдаги вақф ерлари 488 265 танобни ташкил қилган. Маданий-маърифий вақф ерларига 327 037 таноб ва диний вақф ерларига 161 228 таноб ер қарашли эди [7; 131]. Шунингдек, вақф идораси қарамоғида 57 та сарой, 10 та ҳаммом, 23 та тегирмон, 24 та бозор жойи, биргина Бухоро шаҳрида 1769 та дўкон ҳамда 262 та ҳовли бўлган [8; 62]. Бундан кўриш мумкинки, вақф тизими Бухоро ҳудудида асрлар давомида диний ва ижтимоий муассасаларни молиявий қўллаб-қавватлашнинг асосий манбаи бўлиб келган. Бу тизим таълим, маданият ва диннинг ривожланиши учун муҳим молиявий ва моддий ресурс манбаи бўлган. 1923 йил охирида келиб ҳукумат томонидан вақф мулкларини тугатишга қарор қилинди [9]. Вақф мулкларининг тугатилиши натижасида масжид ва мадрасалар мунтазам таъминотдан маҳрум бўлди.

Совет ҳокимияти даврида масжид ва мадрасалар ўзининг анъанавий вазифаларини бажариши ўрнига, турли мақсадларда фойдаланилди. Дастлаб қизил армиянинг масжид ва мадрасаларга жойлаштирилиши турли тартибсизликларга олиб келди. Диний обидаларнинг ҳурматсизлик тарзида фойдаланилиши жамоатчиликнинг миллий ва маданий меросга бўлган муносабатини ўзгартириб, асрлар давомида шаклланган қийматига путур етди. Шаҳарсозликдаги ҳар бир объект муайян аҳолининг маънавий ва маданий салоҳиятини акс

этириб келган. Совет сиёсати натижасида шаҳарнинг маданий ва меъморий мероси билан боғлиқ умумий қийматлар йўқолишига сабаб бўлди.

Бухоро Республикасида дастлабки кунлардан бошлаб иқтисодий сиёсат ва хўжалик соҳасида бир қанча ислохотлар олиб борилди. 1920 йил кузида Бухоро шаҳрида Марказий Халқ банки иш бошлади[7;387]. 1921 йил бошларида эса Бухорода саноат ширкатлари ташкил қилиниб, савдо-сотиқ ҳамда тадбиркорликка алоҳида эътибор қаратилди. 1922 йилда Бухоро Давлат банки, Савдо банки, Ўрта Осиё тижорат банки бўлимлари фаолият кўрсата бошлади. Бу банклар БХСР ҳукумати раҳбарларининг фармойишига кўра иқтисодиётни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ширкатлари ва саноат корхоналари ташкил қилиш учун катта маблағ ажратди [10;36-38].

1921 йил 1 июнда БХСРда 4 та ёғни қайта ишлаш заводи, 9 та ғишт заводи, 5 та кон заводи, 4 та ун заводи, 2 та қоғоз ишлаб чиқарувчи фабрика, шунингдек, кулолчилик ва қизилмия илдизини қайта ишлаш заводлари ишлаб турган[11;339]. Бухоро Халқ Совет Республикаси даврида саноатнинг тикланиши ва савдо алоқаларнинг ривожланиши иқтисодий ва ижтимоий тараққиётда ҳал қилувчи омил бўлди. Совет Россияси бир неча бор молиявий ёрдам кўрсатди. Жумладан, 1922 йил 1 март куни РСФСР Халқ Кенгашининг қарорига мувофиқ БХСРнинг халқ хўжалигини тиклаш мақсадида 50 млн рубллик фойсиз қарз ажратилиши эътироф этилди. 1924 йилда СССР Советлар Маҳаллий Комиссарлар Кенгаши Бухоро Республикаси саноатини тиклаш учун 1 млн рубль ажратди[11;337]. Завод ва фабрикаларларнинг ишга туширилиши билан шаҳарларда янги ишлаб чиқариш зоналари пайдо бўлди, бу эса урбанизация жараёнини тезлатди. Янги ишлаб чиқариш ҳудудлари атрофида инфратузилмалар, жумладан, хизмат кўрсатувчи объектлар қурилди. Турли миллат вакиллариининг ишчи сифатида жалб қилиниши саноат ривожига ҳисса қўшди. 1923 йилга келиб, БХСР ҳудудида 32 та саноат корхонаси фаолият кўрсатган. Ушбу корхоналарнинг 25 таси пахта тозалаш ва ёғ ишлаб чиқариш заводлари эди. Қолганлари терини қайта ишлаш, ғишт ишлаб чиқариш, вино тайёрлаш ва қизилмия илдизини қайта ишлаш, ичакка қайта ишлов бериш заводлари, электр станцияси ҳамда механика устахоналари бўлган. Аммо ушбу корхоналардан фақат 20 таси фаолият юритган, 12 таси ишламаган ҳолда қолган[11;339]. Ишламаётган корхоналарнинг мавжудлиги ҳудудда молиявий ва техник ресурслар етишмаслиги муаммосини очиқ кўрсатган.

Бухорода саноат билан бир қаторда транспорт тизими ҳам оғир аҳволда эди. Бу даврда Бухоро кўчаларига тош ётқизиш, транспорт йўллариини тартибга келтириш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Эски Бухоро кўчалари тор, кечқурунлари кўчаларнинг

коронғилиги ва кўлмак суви туфайли аҳолининг аёв юриши қийин бўлган. Шунингдек, дарё ва каналлар устидаги кўприкларнинг қурилиши, ароба ва фойтунлар ҳаракатланадиган йўлларни тузатиш ҳамда йўл бўйларида сув сақлайдиган қудуқларни қазिश ишларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шаҳар кўчаларини ёритиш ва аҳолини электр чироқлари билан таъминлаш мақсадида Бухоро шаҳрида 1922 йилда электр станцияси қурилиши бошланган. Керакли жиҳозлар Москва, Харьков, Тбилисидан олиб келиниб, лойиҳага Гегенейшвили раҳбарлик қилган [12;379]. 1923 йил кузида Бухоро шаҳридаги Регистон майдонида электр станцияси ўрнатилган ва 1923 йилнинг 12 декабридан аҳоли электр чироқларидан фойдалана бошланган [8;79].

БХСР ҳукумати даврида ижтимоий инфратузилмага алоҳида эътибор қаратилиб, замонавий усулдаги таълим ва тиббиёт муассасалари бунёд этилди. Жумадан, Бухоро шаҳрида 1920-1921 йилларда 17 та бошланғич мактаблар, 2 та қизлар мактаби, 3 та етимхона, 1 та ҳунар мактаби, 1 та устахона, 1 та мусиқа мактаби, 1 та сиёсий мактаб фаолияти йўлга қўйилган [8;95]. 1921-1922 ўқув йилидан Бухоро шаҳрида биринчи дорулмуаллимин (ўқитувчилар тайёрлайдиган олийгоҳ) очилган. Баъзи маълумотларда, 1923-1924 йилларда Бухорода жами 90 га яқин ўқув юрти бўлган, уларнинг 31 таси давлат бюджети маблағидан молиялаштирилганлиги, қолганлари маҳаллий бюджет ҳисобига ишлаганлиги айтиб ўтилган [2;29]. Бу ҳолат таълим тизимини икки йўналишли молиялаштириш орқали шакллانганлигини кўрсатади. Давлат бюджетига боғлиқ таълим муассасалари коммунистик ғоя ва совет мафкурасини ёйиш мақсадида фаолият юритган бўлса, маҳаллий бюджетдан молиялаштирилган ўқув юртлари худуднинг ўзига хос эҳтиёжлари ва миллий кадрларни тайёрлаш жараёнига эътибор қаратган.

Бухоро ҳукумати театр, кутубхона, музей, клуб, чойхона каби маданий муассасаларни қурилиш ишларини олиб борган. 1921 йилда Бухоро шаҳри эски шаҳар марказида “Етимхон” театр биноси қурилиб, Регистон майдонида ёзги театр томошалари ташкил қилинган [13]. 1921 йилнинг ёзида Амир Олимхон мадрасасида Абу Али ибн Сино номли кутубхона ўз фаолиятини бошлайди[8;102]. 1922 йилнинг 8 ноябрида Ситораи Мохи Хоссада музей очилган ва унга “Қори Йўлдош музахонаси” номи берилган. Аҳолини маданий ҳаётга кенгрок тортиш учун 1923-1924 йилларда 5 та клуб ва 10 та “қизил” чойхона қурилиб ишга туширилган[14;25].

Бухоро Халқ Совет Республикасида олиб борилган таълим ва маданият соҳасидаги ўзгаришлар маҳаллий аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий ривожланишида

янги даврни бошлаб берди. Янги совет-партия мактабининг очилиши, клуб, “қизил” чойхона, театр ҳамда кинотеатрларнинг барпо этилиши, фақат аҳолининг маънавий ривожланиши учун эмас, балки совет мафкурасига мос коммунистик ғояларни оммага етказишдаги асосий воситалардан бири сифатида фаолият юритган. Маданий муассасалар, мактаб ва интернатларнинг кўпайиши ўзбек жамиятида янги социалистик ҳаёт тарзини шакллантириш учун муҳим инфратузилма асосини яратди. Бу жараён шаҳарсозликда янги ижтимоий бинолар ва инфратузилмавий объектлар қурилишини риғбатлантириб, шаҳарларнинг социалистик қиёфасини яратишга ҳам муҳим омил бўлган.

Маълумки, XX аср бошларида Бухоро амирлигида аҳоли саломатлиги замон талабларидан ортга қолган эди. Амирлик давридан асорат сифатида сақланиб келаётган ягона соғлиқни сақлаш тизимининг яратилмаганлиги туфайли БХСР ҳукумати Бухорода замонавий соғлиқни сақлаш тизимининг ташкил топиши ва тиббий муассасаларининг қурилишига эътиборни қаратди ва бу жиҳат шаҳар инфратузилмасининг муҳим қисми бўлди.

1920 йил 31 октябрда БХСР ҳукумати ҳузурида Соғлиқни Сақлаш нозирлиги ташкил этилган [15]. Нозирликнинг “Доришунослик”, “Санитар–эпидемиологик”, “Даволанувчи” бўлимлари бўлиб, биринчи нозир этиб, Германияда ўз малакасини ошириб келган Абдулаҳад Бурҳонов тайинланган [15]. Нозирлик ташаббуси билан БХСР пойтахтидаги 100 ўринли шаҳар шифохонасини 200 ўринли қилиб кенгайтириш ишлари олиб борилган. Шифохонанинг олд қисмига 3 та янги бино қурилган ва таъмирга муҳтож тиббий муассасаларда таъмирлаш ишлари олиб борилган. Бу тадбирлар учун давлат томонидан 200 минг олтин рубл ажратилган [15]. Тиббий муассасаларнинг пайдо бўлиши шаҳарда санитария ва гигиена шароитларини яхшилашга ёрдам берди. Тиббий жиҳозлар Берлин ва Москва шаҳарларидан келтирилиб, шифохонада ренген қилувчи, кўз касалликларини даволовчи ва бошқа янги тиббий хоналар ташкил қилинган. Аёлларга тиббий ёрдам кўрсатиш ишларини яхшилаш учун шаҳардаги аёллар амбулаториясини 30 ўринли қилиб кенгайтириш ва 10 ўринли туғруқхона бўлимини ташкил қилиш ишлари амалга оширилган. Беморлар учун Эски Бухорода 4 та амбулатория ташкил қилиниб, шулардан бири молария касаллигига чалинган беморлар учун ихтисослаштирилган. Янги Бухорода 100 ўринли шаҳар шифохонаси аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиб, шифохона ҳузурида амбулатория ва молария станцияси ташкил қилинган.

1923-1924 йилларда бюджетдан соғлиқни сақлаш соҳасига 211 000 рубл ажратилган [16;280]. Бу маблағ тиббий муассасаларнинг ривожланиши ва тиббий

хизматнинг яхшиланишига йўналтирилди. 1924 йилга келиб БХСРда 5 та касалхона, 2 та амбулатория ва 8 та фелдшерлик пункти фаолият кўрсатган[17;228]. Юқумли касалликларни олдини олиш учун Бухоро Республикаси махсус соғлиқни назорат қилиш комиссиялари ташкил қилинди. Шифохоналарни таъмирлаш ишлари учун ҳукумат оғир иқтисодий аҳволга қарамай давлат бюджетидан тегишли маблағлар мунтазам ажратиб борди. Хужжатлардан бирида Эски Бухоро шаҳридаги марказий шифохонанинг ошхонасини тиклаш ва канализация тизимини ишга тушириш учун 10000 олтин рубл миқдорида маблағ ажратилганлиги қайд қилинади[18].

Хулоса. БХСРда шаҳарсозлик фаолияти коммунизм ва социалистик қурилиш мафкурасига мувофиқ, ҳудуддаги модернизация жараёнининг муҳим қисмига айланди. Ушбу жараёнларда шаҳар инфратузилмаси, тиббиёт ва таълим соҳаларининг ривожланиши, транспорт тармоқларининг яхшиланиши каби ижобий ўзгаришлар кузатилди. Бу нафақат шаҳарларнинг жисмоний қиёфасини ўзгартирибгина қолмай, балки ижтимоий-маданий ўзгаришларни ҳам амалга оширди. Шу билан бирга Советлар сиёсатининг маъмурий-буйруқбозлик усули барқарор, табиий ривожланиш эмас, балки “юқоридан пастга” тамойилида амалга оширилган ижтимоий-муҳандислик дастурига айланди. Бунда аҳоли эҳтиёжлари ва маҳаллий урф-одатлар иккинчи даражали бўлиб қолди. Натижада бу ўзгаришлар ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий беқарорликни янада кучайтириб, шаҳарсозлик жараёнининг зиддиятли хусусиятларини яққол намоён этди. Урбанистик сиёсатдаги стандартлаштириш, тарихий шаҳар тузилишининг функционал ва совет ғояси рамкаларига мослаштириш уринишлари ижтимоий зичлик, маданий ўзликни ва тарихий меросни асраб қолиш масалаларида зиддиятларни келтириб чиқарди. Бу ўзгаришлар ҳамиша барқарор ва муваффақиятли бўлмай, улар тарихий-маданий муҳит ва маҳаллий ижтимоий тузилмаларнинг изчиллигини издан чиқарган ҳолда, шаҳар муҳитининг икки хил – анъанавий ва социалистик миқёсдаги ривожланиш ўртасидаги зиддиятни яққоллаштирди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. O'zbekiston tarixi. (Buxoro tarixi). X jild. (O'zbekiston tarixi va manbalari). Toshkent: "O'zbekiston".-B.323.
2. Ҳайитов Ш., Раҳмонов К. Бухоро Халқ Республикаси ва Германия: ҳамкорликнинг тарихий лавҳалари (1920-1924 йиллар). Тошкент: Фан. 2004.-Б.7.
3. Территория инаселение Бухары и Хорезма. -Ч. I. Бухара. Изд. Комиссии по районированию Средней Азии. -Ташкент. 1926. -С. 66.

4. История Бухары с древнейших времен до наших дней. Ташкент: Фан. 1976. – Б. 213.
5. Русия Ижтимоий Қўшма Шўролар Жумхурияти билан Бухоро Халқ Шўролар Жумхурияти орасида маҳда // “Бухоро ахбори”. 1920 йил 1 декабрь.
6. Алимов И. Ўзбекистонда вақф мулкларининг тугатилиши (1917-1929). – Тошкент: “Фан”, 2009. -С.131.
7. Ражабов Қ. Ўзбекистон XX асрда. Биринчи жилд (1900-1939). Тошкен: “Фан”, 2024. -Б.384.
8. Раҳмонов К. Бухоро Халқ Совет Республикаси тарихи матбуот саҳифаларида. Тошкент: Абу Матбуот-консалт, 2012. - Б. 62.
9. Тўраев Ҳ. Бухоро: “Эски шаҳар”, “Янги шаҳар” // “Бухоронома” газетаси. 2018 йил 9 июнь.
10. Ражабов Қ. БХСРда банк фаолияти тарихидан // “Бухоро мавжлари”, 2013. № 1. -Б. 36-38.
11. Ишанов А. Бухарская Народная Советская Республика. Ташкент: Узбекистан, 1969. – Б. 339.
12. Сообщение газеты «Туркестанская правда» о постройке электрической станции в старой Бухаре. История Бухарской Народной Советской республики (1920-1924). Сборник документов. Ташкент: Фан. 1976. – Б. 379.
13. “Бухоро ахбори”, 1921 йил 13 январь.
14. Бақоев М. Файзулла Хўжаев журналист ва публицист. Тошкент: Ўзбекистон, 1996 – Б. 25.
15. ЎМА, Р-61–жамғарма, 1–рўйхат, 31-хужжат, 110–варақ.
16. Хўжаев Ф. Танланган асарлар. I том. -Б.280.
17. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Тошкент: Шарқ, 2000. - Б. 228.
18. ЎМА, Р-47–жамғарма, 1–рўйхат, 129-хужжат, 36–варақ.